

БУЮКЛАР БОШИДАГИ КУЛФАТЛАР

*Жўраев Ислон Мамасодикович, Фаргона давлат
университети ўқитувчиси*

AFFLICTIONS UPON THE GREAT

Jurayev Islom Mamasodikovich, Fergana State University, teacher

БЕДЫ ВЕЛИКИХ ЛЮДЕЙ

*Джораев Ислам Мамасодикович, преподаватель Ферганского
государственного университета*

[https://orcid.org/0000-0003-](https://orcid.org/0000-0003-2671-6907)

[2671-6907](https://orcid.org/0000-0003-2671-6907)

e-mail:

omad2107@mail.ru

Аннотация: Мақолада соҳибқирон Амир Темури ва унинг авлодлари ҳаёти асосида оилавий муҳит, шахс таназзули ва ижтимоий-маънавий ҳаётдаги инқирозларнинг ўзаро боғлиқ ва уйғун жиҳатлари таҳлилга тортилган.

Калим сўзлар: тарихий воқелик, шахс тарбияси, маиший турмуш, оилавий муҳит, ижтимоий ҳаёт, маънавий-ахлоқий тубанлик, ижтимоий инқироз.

Abstract: The article analyzes the interrelated and harmonious aspects of family environment, personal decline, and crises in socio-spiritual life based on the life of Amir Timur, the great conqueror, and his descendants.

Keywords: Historical reality, personal development, daily life, family environment, social life, moral and ethical decline, social crisis.

Аннотация: В статье анализируются взаимосвязанные и гармоничные аспекты семейной среды, личностной деградации и кризисов в социально-духовной жизни на примере жизни великого завоевателя Амира Тимура и его потомков.

Ключевые слова: историческая реальность, воспитание личности, домашний быт, семейная среда, общественная жизнь, духовно-нравственная деградация, социальный кризис.

КИРИШ. Шундай инсонлар бўладики, улар умр йўли, амалий фаолияти билан миллатнинг, жамият ва давлатчиликнинг тақдирида мислсиз ўрин тутадилар. Фотиҳлик ва ватанпарварлик, илм ва санъат, баҳодирлик ва шижоат билан дунёга танилган, тарихлардан мангуга жой оладиган, буюклик касб этган шахслардан бири соҳибқирон Амир Темурдир. “Жамиятни оиладан ажратиб талқин қилиш мумкиндир, лекин оилани жамиятдан ажратиб талқин этиб бўлмайди”, – деб ёзади таниқли адабиётшунос, тарихнавис Поён Равшанов ўзининг “Амир Темур сулоласи” асарида ва

Соҳибқирон мансуб бўлган оилани ана шу нуқтаи назардан тадқиқ қилади ва ўрганади[2.6].

Дарҳақиқат, сиёсат юритиш ҳам кўп жиҳатлардан шахсий фазилятларга бориб тақалади ва оилавий муҳит, қандай тарбия олганлик, мақсад-муддаонинг нимага қаратилганлиги инсон тақдирида, давлат йўналишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ. Шу нуқтаи назардан Поён Равшанов ўзининг “Амир Темур сулоласи” асарида Амир Темур ва унинг аҳли аёлларига оқилона муносабатини Мироншоҳ ва унинг

рафикаси Хонзодабегим турмуш тарзига қиёсан таҳлилга тортади. Амир Темур мукаммал инсоний фазилатлари билан, бамаъни, садоқатли аёлларининг руҳий-маънавий қўллашлари билан етти иқлимни ўз ичига олган салтанат тузган бўлса, иродасиз, салоҳиятсиз Мироншоҳ умр йўлдоши маккор Хонзодабегим таъсирида бу салтанатнинг емирилишига сабабчи бўлишган.

Амир Темур юқоридаги ибратли хислатларга эга бўлишида, шаклланишида, албатта, унинг ўз юртига, миллатига, ёрига, оиласига бўлган улкан меҳр-муҳаббати таянч бўлган дейишимиз мумкин.

Оилавий ҳаёт барча замон-даврларда ҳам мўътабар ва муқаддас саналиб келинган. Унинг асослари ўзига хос ҳуқуқий меъёрлар билан химояланган. Оила жамиятнинг муҳим бўғини эканлиги тушунчаси азалдан умум томонидан қабул қилинган, эътироф этилган ҳолатдир.

Марказий Осиёда бўлгани каби, қадим Ўзбекистонда ҳам оиланинг бир қанча турлари мавжуд бўлган ва узоқ асрлар давомида ўз идеал шаклларини сақлаб қола олган. Бу сирага, энг аввало, уч ёхуд ундан ортиқ авлод биргаликда яшайдиган хонадонни киритиш жоиз бўлади. Бу улкан оилада ота-она, уйланган фарзандлар, уларнинг болалари, турмушга узатилмаган қизлар, уйланмаган ўғиллар жипсликда яшашган. Албатта, олим юқорида таърифлаб ўтган оила шакллари яқин тарихимизда ҳам бор эди ва ана шундай катта оилалар иқтисодий томондан яхши таъминланган бўлса, бола тарбиясида, унинг маънавий–инсоний камолига ҳам жуда катта ижобий таъсир кўрсатган. Бундай муҳит инсоннинг қобиляти ўсишида, истеъдод қирралари очилишида, меҳр-оқибатли бўлишида катта аҳамиятга эгадир. Акс ҳолатда, оиладаги зиддиятли ҳолатлар болаларнинг худбин ва бадбин бўлиб улғайишига сабаб бўлиши мумкин. Аждодлар ўғитида “Бир болага етти маҳалла ота” дея нақл қилинади. Шунинг учун ҳам бугунги истиқлол шароитида маҳалланинг аҳамияти, ўрнини тиклаш ва кучайтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Динлар, эътиқодлар ўзгариши мумкин, жамиятлар алмашади, сиёсатлар турланади, бироқ оилавий ҳаёт – жамиятнинг асосий бўғини бўлган эр-хотин бирлиги шаклига, моҳиятига путур етмайди[2.12].

Поён Равшанов келтирган “Эр-хотин бирлиги ва ҳамжиҳатлиги” ибораси орқали Амир Темур оиласига ва ўғли Мироншоҳ оиласига қиёсан эътибор қаратиш жоизки, биринчи ҳолатда катта, улкан салтанат, давлат яратилган бўлса, иккинчи ҳолатда у таназзулга юз бурган.

Амир Темурни тарих саҳнасида олиб чиққан Амир Қазағон ўз мажлисларида иштирок этаётган Амир Тарағайнинг ўғли Темурбекка эътибор бера бошлайди. Унинг сўзлари ҳукмдорга маъқул тушади. У Амир Темур сиймосида гарчи ёш бўлса-да, шижоатни, ўқтамликни, ақл-фаросатни кўриб-билиб, уни ўзига яқинлаштиради. Бу яқинликни оилавий ришталар билан боғлаб, набираси Улжой Туркон Оғани унга никоҳлаб беради[2.75].

Улжой Туркон Оға Амир Темурнинг Сарой Мулк Хонимга қадар бўлган хотинлари ичида энг севимлиси ва оғир, изтиробли кунларни биргаликда баҳам кўрган рафикаси эди. 1362 йилда Амир Темур ва Улжой Туркон Оғанинг ақаси Амир Ҳусайн бошларига мушкул ишлар тушиб, мўғуллардан қочиб жон сақлашга мажбур бўлган кезларда, ёв қўлига асир тушиб, тутқунлик ситамини тортадилар. Улжой Туркон Оғо Амир Темур бошидан ўтказган барча қийинчиликларга шерик бўлади. Ўша таъкиб сафарларида дўсти Амир Ҳусайн ёнида унинг хотини Дилшод Оғо, Амир Темур ёнида Улжой Туркон Оғо бўлиб, туркманлар билан бўлган жангда қатнашадилар ва жанг сўнгида етти навкар омон қолади холос. Бу икки аёлнинг мардлиги, вафодорлигига қойил қолмай илож йўқ. Темурнинг ўн йилдан ортиқ давом этган биргаликдаги ҳаёт интиҳоси Улжой Туркон Оғанинг бевақт вафоти билан хотима топади. Амир Темур салтанати учун Улжой Туркон Оғо билан яралган оила бирлиги, унинг кўрсатган садоқати ва меҳру-муҳаббати куч берганлиги табиий.

Улжой Туркон Оғодан уч фарзанд – Жаҳонгир Мирзо, Султон Бахт бегим ва Мироншоҳ Мирзолар дунёга келганлар.

Амир Темур Улжой Туркон Оғо вафотидан кейин Қозонхон қизи Сарой Мулк Хонимга уланади. Сарой Мулк Хоним оқила, билимдон, бениҳоя гўзал аёл бўлган. Саройдаги ички тартибот, хотин-қизларга бош-қош бўлиш, шахзодалар тарбияси, меҳмондўстлик ва бошқа тадбирлар унинг зиммасида бўлган. Ўринли

маслаҳатлари билан Темурбек ёнида бўлган, кейинчалик уни улуғ малика сифатида “Биби Хоним” деб атай бошлайдилар[2.79].

Шомий ўз асарида Сарой Мулк Хонимнинг 1386 йилда шахзода Шохруҳ Мирзо билан Ироққа етиб келганлигини ёзади: “Улар келиши ҳақидаги хабар етгач, Соҳибқирон уларнинг истикболида чиқишни ирода қилади”. Бу улуғ Амирнинг ўз рафиқасига юксак эҳтиромидан нишона эди.

НАТИЖА ВА МУҲОКАМА. Жамиятда уч тоифа оилани таҳлил қилса бўлади. Биринчи тоифа, оилада эр ҳам, хотин ҳам бирдек маънавийтли, иймонли, садоқатли, ақлли, ўзаро меҳрли бўладилар. Амир Темур Сарой Мулк Хоним билан тузган оилани шу тоифага қўшиш мумкин. Улар олий мақсад, инсон, миллат камоли сари икки қанот каби ҳаракатда бўлдилар.

Иккинчи тоифа – “Жароҳатли” оила. Яъни икки қанотнинг бири жароҳатли. Эр ва хотин бутунлай бир-бирини тушуна олмайдиган, бошқа-бошқа маънавиятга, ички дунёга эга, тақдир тақозоси билан оила курган шахслар.

Учинчи тоифа оила – билимсизликда, маънавиятсизликда, пасткашликда, зулмда, нафсга қулликда бир-биридан ўзидиган бахтсиз одамлар. Бу каби оила аъзоларининг бугуни кулфат, эртаси зулматдан иборатлиги аён[3.76].

Иккинчи тоифа оилага Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳ ва Хонзодабегим оиласини кўрсатса бўлади.

Хонзодабегим кўз очиб кўрган эри Жаҳонгир Мирзо билан уч йилга яқин умр кўради. Жаҳонгирнинг ўлими сабаб, у ўзидан ёши анча кичик бўлган Мироншоҳ Мирзога турмушга чиққан, натижада, юқорида айтганимиздек, “жароҳатли” оила бунёд бўлган. Яъни парвоз учун бир-бирига номутаносиб, турлича қанот ҳосил бўлган. Мироншоҳ Мирзо билан Хонзодабегим орасида кечган оилавий можаро икки йил давомида газаклай борган. Ўша давр тарихчилари Натанзий ва Яздий икки хил фикр юритганлар. Бирида Хонзодабегим, иккинчисида Мироншоҳ Мирзо айбланади. Шарафиддин Али Яздий “Бир куни у хотини Хонзодани қаттиқ сўкади, онасини ҳақоратлайди. Дарғазаб бўлган Хонзода Самарқандга жўнаб кетади. Шу пайтларда

Соҳибқирон Ҳиндистондан Самарқандга қайтиб келган эди”, деб ёзади.

Соҳибқирон Амир Темур хонадонида оилавий муомала маданияти ниҳоятда юксак даражада бўлганлигини унинг душманлари ҳам эътироф этадилар. Мироншоҳ Мирзо ҳам шу юксак маданиятдан мустасно эмас эди[2.234]. Демак, Мироншоҳ ва Хонзодабегимнинг оиласи “жароҳатли” бўлишига Хонзоданинг инжиқликлари сабаб бўлган.

Натанзий ёзади: “Малика ўз макрлари билан бечора Мироншоҳни анвои маънолар доирасида ичидаги нуқта мисол ўраб олади ва бир гуруҳ муфсидлар билан Самарқандга жўнаб, ўзини химоя қилиш учун эрини итоатсизликда айблаб, муттаҳамлик қилади”[2.235].

Амир Темур салтанатини бевосита кузатиб борган элчи Клавихо 1405 йил воқеалари таассуротларида мазкур масалага эътибор қаратган, аммо бетараф позицияда турган.

Хуллас, бу “жароҳатли”, зиддиятли оилага ўзининг чигал характери, синиқ тақдири ва маънавияти билан сабабчи бўлган Хонзода бегим Амир Темур вафотидан сўнг унинг улкан салтанати парчаланишига, ака-укалар мурасасизлигига ҳам сабабчи бўлган.

Тарихнинг шу биргина мисолида инсоннинг ҳам маънавий камоли ёхуд тубанлиги, оила муҳитининг соғлом ёки ноқислиги фарзанд тарбиясида, жамият тақдирида нечоғли муҳимлигини ҳис қилиш мумкин.

“Нима бўлганда ҳам, - деб ёзади Поён Равшанов, - Хонзодабегим эрига ёмонликни атайдан ташкил қилдими, ёинки, учкундан аланга чиқишини ҳисобга олмай, бутун салтанатни титратган аёл бўлди. Соҳибқирон Амир Темурга ҳеч ким қилмаган бадбинликни у қилди: унинг сўнгги иродасига қарши борди, уни тан олмади – тахтнинг соҳибқирони тайин қилган қонуний вориси – Пир Муҳаммад Мирзо қолиб, Халил Султонни даъвогар қилди”. Ҳолбуки, Пир Муҳаммад Мирзо ҳам унинг Жаҳонгир Мирзодан туғилган ўғли эди. Соҳибқироннинг вафоти шунчалик кутилмаганда, ҳарбий юриш чоғида юз бердики, Ғазнида турган Пир Муҳаммад етиб келгунча ғаламисликда Хонзода Бегимдан қолишмайдиган яна бир набира – Султон Халил Мирзо отни қамчилаши аниқ эди. Шундай бўлди ҳам.

Хонзода бегим оилавий зиддиятни рўқач қилиб, аниқроғи эрига бўлган шахсий адоват туфайли улуғ салтанатнинг парчаланишига, ижтимоий-сиёсий ҳаётда парокандаликка йўл очиб берди. Шарафиддин Али Яздий Соҳибқирон вафотидан роппа-роса бир ой ўтиб, 1405 йил 18 мартда юз берган воқеа – Халил Султоннинг тахтга чиқиши тўғрисида сўзлар экан, шундай дейди: “Бу вақтда ер юзида Самарқанддан фаровон шаҳар йўқ эди. Унда олтин, кумуш, матолар, ипаклар, парчалар билан лиқ тўлган хазиналар бор эди, агар бутун олам котиблари жам бўлиб ҳисоб қилганларида ҳам, бу бойликларнинг ниҳоясига етиб бўлмасди. Чунки, Эрон ва Турон подшоҳлари томонидан узок йиллар давомида Қолмиқдан Румга, Ҳиндистондан Сурияга, Хоразмдан Дашти Қипчоққа, Русдан Черкасга, Булғордан Фарангга қадар нимаики йиғилган бўлса, ҳаммаси тўпланиб бу ерга олиб келинган эди. Соҳибқирон ўттиз олти йил мобайнида жаҳон мамлакатларини фатҳ этди, бу йиллар мобайнида хирож солиғи йиғимлари хазинага келиб турарди. Барча хазина ва бойликлар ана шу шахзода (Халил Султон) қўлига тушди. У

шундай совурдики, тўрт йил давомида бу бойликлардан асар ҳам қолмади”. [2.265]

ХУЛОСА. Соҳибқирон хонадонида оилавий муомала маданияти ниҳоятда юксак даражада бўлганлигини унинг душманлари ҳам эътироф этадилар, деб ёзади тарихчилар. Албатта, боболаримизнинг, миллатимизнинг ижобий, юқори оила маданиятининг кўп қирралари умумжаҳон инсон маданиятига, маънавиятига ўринли хиссасини қўшди. Шу билан бир қаторда, ўтмиш қадриятларидан ибрат олишгина эмас, айрим жиҳатларидан хулоса чиқариш ҳам фойдадан холи бўлмайди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Вамбери Ҳ. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Тошкент, 1990.
2. Равшанов П. Амир Темур сулоласи. Тошкент, 2014.
3. Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. Тошкент, 2000.
4. Зайниддин Восифий. Бадоеъ-ул вақоеъ. Тошкент, 1979.